O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 20 апрель, № 75 (3874) Пайшанба

Жойларда бўлгани сингари Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси томонидан ҳам Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ижросини таъминлаш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, қишлоқларда янги мактаблар қуриш, уларни капитал ва жорий таъмирлаш ишларига устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Мактабга эътибор — келажакка эътибор

Пастдарғом туманидаги Чархин қўрғонида жойлашган 55- умумтаълим мактабининг икки қаватли бош биноси, қўшимча 20 та синф хонаси, шунингдек, спорт майдончаси ҳамда бошқа иншоотлар тендер танлови шартлари бўйича белгиланган муддатда фойдаланишга топширилиши лозим. Ҳозирда эса, танлов ғолиби "ТАКС" қурувчилик корхонаси томонидан мактаб қурилиши тез ва сифатли олиб борилмоқда. Янги ўқув даргоҳи чархинлик болажонларга 1-июнь Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига совға сифатида топширилади.

СУРАТЛАРДА: "ТАКС" қурувчилик корхонаси раҳбари Шуҳрат Азимов; қурилиш бригадаси бошлиғи Кўчим Эшмуродов ва ҳайдовчи Асатилло Мажидов иш хусусида суҳбатлашмоқда; қурилишдан лавҳа.

Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.



Долзарб мавзу

САЙЛОВ ОЛДИДАН СЕМИНАР

САМАРҚАНД шаҳридаги «Ёшлар маркази»да «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловининг ҳуқуқий асослари» мавзуида амалий семинар бўлиб ўтди. Тадбирда Олий Мажлис Сенатининг вилоятдаги аъзолари, шаҳар ва туман ҳокимлари, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар раислари, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, «Маънавият ва маърифат» марказлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, прокуратура ва адлия идоралари вакиллари иштирок этди. Кун тартибидаги масалалар юзасидан Олий Мажлис Сенат комиссияси раиси М. Ражабова ва Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси раиси А. Гадойбоев маъруза қилди.

Кун тартибидаги мавзу юзасидан қизғин савол-жавоблар бўлиб ўтди. Айнан мазкур саволлар руҳидан сезилдики, вилоятда ўз-ўзини бошқариш органларида ўтказиладиган сайловларга қизиқиш катта. Оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига кўмаклашувчи комиссиялар ҳамда ишчи гуруҳлар фаолияти анча жонланган.

Бугунги кунда ишчи гуруҳлари олдида турган энг муҳим вазифа сайловда қатнашадиган вакиллар рўйхатини тайёрлаш, фуқаролар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, номзодлар билан таништириш, сайлов ўтадиган жойларни тайёрлаш масаласи эканлиги ва айнан шу вазифаларнинг қай даражада амалга оширилаётганлиги семинар иштирокчиларининг алоҳида эътиборида бўлди.

Тадбирда вилоят ҳокими М. Нурмуродов қатнашди.

* * *

ЖИЗЗАХда бўлиб ўтган амалий семинар ҳам худди шу масалаларга бағишланди. Тадбирда республика Олий Мажлиси Сенати аъзолари, вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари, ташкилий-назорат гуруҳлари раҳбарлари, вилоятдаги ҳуқуқ-тартибот идоралари мутасаддилари қатнашдилар.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига ташкилий жиҳатдан кўмаклашувчи комиссиялар фаолияти ҳақида Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви раиси А. Гадойбоев маъруза қилди.

Шундан сўнг бўлажак сайловларнинг ҳуқуқий асослари, ишчи гуруҳлари ваколатлари каби мавзуларда мунозаралар бўлди. Амалий семинар иштирокчилари ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олишди. Сайловга тайёргарлик жараёнининг бориши хусусида ўзаро тажриба алмашинилди.

Семинар ишида вилоят ҳокими У. Яманқулов иштирок этди.

Абдурасул САТТОРОВ, Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ:

ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК

«Ўзэкспомарказ»нинг марказий павильонида очилган «Россиянинг замонавий таълими» кўргазма-тақдимотини ташкил этишдан асосий мақсад кадрлар тайёрлаш борасида Ўзбекистон билан Россиянинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини кенгайтиришга оид ишларни тарғиб этишдан иборат. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари, Россия Федерациясининг Таълим бўйича федерал агентлиги ва Россзарубежцентрнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси томонидан ташкил этилди.

Кўргазмада Россиянинг 15 та етакчи олий ўқув юртлари фаолиятига бағишланган бўлимлар бор. Улар иқтисодиёт, сервис, тиббиёт, бошқарув, лингвистика, педагогика, қишлоқ хўжалиги, информатика ва янги саноат технологиялари соҳаларида мутахассислар тайёрлайди. Масалан, кўргазмага ташриф буюрганлар Давлат бошқарув университети, Волгоград давлат қишлоқ хўжалиги академияси, Санкт-Петербург давлат политехника университети, Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, Уфа давлат авиация-техника университети, Кама давлат муҳандислик-техника академияси ва Россиянинг бошқа нуфузли олий ўқув юртлари фаолиятига оид маълумотлар билан танишиши мумкин.

Тадбирнинг очилишида Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган таълим тизимини ислоҳ қилишнинг ўзбек модели ўзининг самарадорлигини исботлагани ва унинг дунёда эътироф этилганлиги таъкидланди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ушбу муҳим жабҳа фаолиятини яхшилаш, таълимни жаҳон стандартлари ҳисобга олинган ҳолда янги ва сифатли даражага кўтариш имконини бермоқда. Халқаро ҳамда МДҲ доирасидаги алоқалар жадал ривожланмоқда. Ўзбекистон билан Россия ўртасида Иттифоқчилик муносабатларига оид битимнинг имзоланиши таълим соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда ҳам муҳим омил бўлмоқда.

Таъкидландики, олий ўқув юртларини тамомлаганлик ҳақидаги дипломларни нострификация қилиш ва умумий таълим муҳитини шакллантириш тўғрисидаги икки томонлама шартномаларнинг амалга оширилиши мазкур жараённи ривожлантиришга кўмаклашади. Бу таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва адабиётларни ишлаб чиқишда янада самарали ҳамкорлик қилиш учун имкон беради. Талабалар ва ўқитувчиларнинг тажриба ва малака ошириши йўлга қўйилди. Бугунги кунда 6 мингга яқин ўзбекистонлик ёшлар Россия олий ўқув юртларида таълим олмоқда. Тошкентда Г.Плеханов номидаги академия филиали фаолият кўрсатмоқда, жорий йил сентябрь ойидан эса Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент филиали ҳам юқори малакали мутахассислар тайёрлашга киришади.

Россия федерал агентлигининг таълим бўйича раҳбар ўринбосари А.Казенов таъкидлаганидек, Россиянинг таълим тузилмалари Ўзбекистон билан алоқаларнинг кенгайишидан манфаатдор. Ўзбекистон олий таълим муассасаларининг муваффақияти нафақат кадрлар тайёрлашда, балки жиддий илмий-тадқиқотларни ўтказиш, муҳандислик-техника соҳасида изланишлар борасидаги ютуқларда кўзга ташланмоқда. Шунинг учун тажриба алмашиш, ҳамкорликда изланишлар олиб бориш иккала томонга ҳам фойда бериши шубҳасиз.

(Давоми 2-бетда).

Солиқ тизимида амалга оширилаётган ишлар оммавий ахборот воситаларида қандай ёритилаяпти? Солиқчи ва солиқ тўловчи ўртасидаги муносабатларни такомиллаштиришда матбуот, радио ва телевидениенинг ўрни қандай бўлиши керак?

Солиқ мавзуида мулоқот

Қашқадарё вилояти «Журналистлар уйи»да бўлиб ўтган семинар-тренингда бу саволларга батафсил жавоб берилди. Унда марказий газеталар, радио ва телевидениенинг вилоятдаги мухбирлари, маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ва туманлар солиқ идораларининг масъул ходимлари иштирок этдилар. Республика Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати ва вилоят давлат солиқ бошқармаси ҳамкорликда ташкил этган бу анжуман жонли мулоқот тарзида ўтди. Сўзга чиққанлар солиқ тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг моҳияти, солиқ идоралари фаолиятида ошкораликни таъминлашга қаратилган тадбирлар ҳақида гапирдилар.

Журналистлар солиқ тизими фаолиятининг ошкоралигини таъминлаш соҳасида тўпланган ижобий тажрибаларини қайд этган ҳолда бу ҳамкорликни янада кучайтириш юзасидан таклиф ва мулоҳазаларни ҳам ўртага ташладилар.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ-ГРАЖДАНСКОЕ ОБЩЕСТВО-CIVIL SOCIETY» ЖУРНАЛИНИНГ ЯНГИ СОНИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асосларини ислоҳ қилиш бўйича Кенгаш қошида ташкил этилган "Фуқаролик жамияти-Гражданское общество-Civil society" журналининг 2006 йилдаги илк сони нашрдан чиқди.

Журналнинг дастлабки саҳифаларида мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги "Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим" номли маърузаси берилган.

Журналда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг давлат қурилиши ва бошқаруви, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг роли ва таъсирини кучайтириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни тобора эркинлаштириш каби устувор йўналишларига эътибор қаратилган.

"Жамиятни демократлаштириш ва янгилашнинг ҳуқуқий негизи" деб номланган мақолада жамият ва мамлакатни ислоҳ қилишнинг қонунчилик базасини такомиллаштириш борасида амалга оширилган ишлар, қабул қилинган, муҳокама этилаётган, тайёрланаётган қонун лойиҳаларининг мақсади, вазифалари, аҳамияти хусусида, қонун ижодкорлиги ҳамда назорат-таҳлил фаолиятини такомиллаштириш бўйича масалалар таҳлил этилган.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларга бағишланган мақолаларда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш, ўлим жазосини бекор қилиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда судларнинг роли, бу соҳадаги ислоҳотларнинг мақсади, вазифалари ва амалга ошириш босқичлари ёритилган.

Шунингдек, журнал саҳифаларидан "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонун мониторингининг ташкилий-ҳуқуқий масалалари, фуқаролик жамиятини шакллантиришда меҳнат жамоаларининг ролига бағишланган мақолалар ўрин олган.

Журналда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги ПҚ-24-сонли "Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш бўйича қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати ҳамда ўтказилган тадбирлар ҳақида ахборот берилган.

Журнал сўнгида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялашнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш муаммоларига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий семинарлар тўпламлари тўғрисида маълумотлар ҳавола этилган.

(ЎзА).

«Марҳамат электротехника» очиқ акциядорлик жамияти «РДЗ-10 кв-400 А», «КУ-700» ўчиргичлари, «ПН-100», «ПН-250», «ВР-400 А», «ВР-630 А» сингари сақлагичлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиргач, «УзДЭУавто»

Миллионерлар экспорти

қўшма корхонасига «Нексия», «Дамас»ларнинг эшиклари учун қулф илмоқлари, олд ва орқа қанотлари қулфлари тайёрлаб беришни ҳам йўлга қўйди. Шунисси диққатга сазоворки, қишлоқ саноатчилари маҳсулотларининг асосий қисми Ҳамдўстлик мамлакатларига экспорт қилинмоқда. Чунончи, жорий йилнинг биринчи чорагида хориждлик мижозларга 53 миллион сўмлик маҳсулот жўнатилди.

Корхона жамоаси баҳорнинг илк кунларидан бошлаб «Ўзбекэнерго» компанияси буюртмасини ҳам ижро этишга киришди. Шартномага кўра 84 миллион сўмлик иш бажарилмоғи зарур. Трансформаторларнинг электр манбаидан ажратувчи мосламалари жаҳон андозалари талаблари даражасида тайёрланаётгани учун ҳам буюртмачиларга манзур бўлаётир.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Сўнгги соатда

Газетамиз саҳифаланаётганда Россиянинг Санкт-Петербург шаҳридан хушхабар олдик.

Жаҳон биринчилиги совриндорлари

Бу ерда ўсмирлар ўртасида шашка бўйича давом этаётган жаҳон биринчилигида ҳамюртларимиз совриндорлар сафидан жой олишди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги матбуот хизматидан олинган хабарда айтилишича, тезкор шашка бўйича 10 ёшли иштирокчилар ўртасида Саидқосим Алиев, 14 ёшлилар ўртасида эса, Нурали Раҳматовлар (Бухоро) барча рақибларини енгиб, фахрли биринчи ўринни қўлга киритдилар. 14 ёшли қизлар баҳсида яна бир вакиламиз Гулсум Алиева (Бухоро) учинчи ўринни эгаллади.

18 ёшгача бўлган қатнашчилар ичида Сайёра Йўлдошева (Сирдарё) ва Нигина Бозорова (Бухоро) тўртинчи ўринлар соҳиби бўлишди. Анвар Омонов (Сирдарё) эса еттинчи ўрин билан кифояланди.

Мусобақалар 27 апрелгача давом этади.

«Умид ниҳоллари – 2006» веб сайти иш бошлади

Яна саноқли кунлардан сўнг Қашқадарё вилоятида мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари—2006» спорт мусобақалари бошланади.

Қарши шаҳрида мусобақалар арафасида кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бир-биридан чиройли замонавий спорт мажмуалари қад ростлади. Бугун Қашқа воҳаси ана шу спорт байрами иштирокчиларини кутиб олишга шай. Куни кеча «Умид ниҳоллари —2006» мусобақаларининг расмий веб сайти — www.umidnihollari.uz очилди. Унинг мақсади мамлакатимиз аҳли ва хориж фуқароларини мазкур спорт ўйинлари ҳақидаги кундалик маълумотлар билан кенг таништириб боришдан иборат.

Веб сайтга Қашқадарё вилояти ҳақида маълумотлар, «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари тарихи, мусобақалар ўтадиган спорт мажмуалари, тайёргарликнинг бориши ҳақида тезкор хабарлар ва бошқа янгиликлар ўзбек, рус ва инглиз тилларида жойлаштирилган.

З. ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСИ — ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ



Парламент ҳаёти

Икки палатали парламентимиз фаолият кўрсата бошлаганига ҳам бир йилдан ошди. Албатта, янгиланган парламентга ўтганимиздан сўнг қонун ижодкорлиги жараёни янада фаоллашди. Хусусан, парламент профессионал равишда ишлаганлиги туфайли қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш тартиб-тамойиллари анча такомиллашди ва уларга қўйиладиган талаблар ҳам сезиларли равишда ўзгарди. Масалан, қонун лойиҳаларини Қонунчилик палатасида биринчи ўқиш, иккинчи ўқиш ва учинчи ўқишда муҳокама қилиш ва қабул қилиш институти жорий этилди.

Қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш тартиби янада мукаммаллик касб этмоқда. Қонунчилик палатасида ташкил топган сиёсий партиялар фракцияларининг ўрни ва роли сезилмоқда. Улар ўзларининг дастурларидан келиб чиқиб, мамлакатимиздаги турли ижтимоий табақа вакилларининг манфаатларини ифода қилмоқдалар. Бу эса, ўз-ўзидан, Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳалари сифатининг талаб даражасида бўлиши кераклигини тақозо этмоқда.

Маълумки, қонун ижодкорлиги жараёни бир нечта босқичлардан иборат. Булар жумласига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириш, яъни қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва Қонунчилик палатасида кўриб чиқиш ҳам киради.

Бу жараён энг дастлабки ва асосий босқичдир. Шу сабабли бу босқичга кўп нарса боғлиқ, чунки қонун лойиҳаларини тайёрлаш, муҳокама этиш, қабул қилиш ҳар жиҳатдан мураккаб жараён бўлиб, у ўзининг барча субъектларидан, иштирокчиларидан юксак ижодийликни, юридик билимларни талаб этади.

Шунинг учун бу босқичнинг тартиб-тамойилига хос муштарак хусусиятларни, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириш тажрибаларини ва муаммоларини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга.

Дунё мамлакатларида қонунчилик ташаббуси субъектларини белгилашга турлича ёндашилган, айримларида бундай ҳуқуқлар иккала палата аъзоларига ҳам берилган, баъзиларда бундай ҳуқуқ фақат ҳукуматга берилган. Айрим давлатларда қонун лойиҳаси иккала палатага ҳам киритилиши мумкин.

Бизда ушбу масалага ҳар жиҳатдан пухта ёндашилган ва субъектлар сони бир мунча кенг ва бу Ўзбекистонда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга оширишнинг ўзига хос жиҳатларидан биридир.

Мамлакат Конституциясига мувофиқ, бу имконият мамлакатимиз раҳбарига, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикасига, Қонунчилик палатаси депутатларига, ҳукуматга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий, Олий, Олий хўжалик судларига ва Бош прокурорига берилган.

Қонун лойиҳалари қанча пухта ва пишиқ ишланган, ҳаётимизда мавжуд бўлган масалаларни кенгроқ қамраб олган бўлса, уларнинг қабул қилиниши шунча енгиллашади ва самарали ижро этиш учун замин яратилади.

Лекин амалда ҳамма қонун ташаббуси ҳуқуқи субъектлари ҳам ўз ҳуқуқидан самарали фойдаланаяпти деб айта олмаймиз. Айни кунларда ижтимоий муносабатларнинг турли соҳаларида қонунчилик йўли билан ҳал этишни талаб қилаётган бир қатор муаммолар, ҳуқуқий "бўшлиқлар" ёки қарама-қаршиликлар учраётганига қарамай, ушбу ҳуқуққа эга бўлган субъектларнинг айримлари бу масалада ташаббус кўрсатмаяптилар.

Ана шу масалаларни таҳлил қилиб ва бу ҳуқуқдан фойдаланиш самарасини ошириш мақсадида яқинда бизнинг қўмитамиз "Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириш: тажриба ва муаммолар" мавзусида илмий-амалий конференция ташкил қилди.

Анжуманда Қонунчилик палатаси депутатлари, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар ва Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳалари сифати ва асослангланлигини таъминлаш, идоравий ёндашувларни бартараф этиш зарурлиги ҳақида келишиб олдик.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан "Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида"ги Қонуни ўз вақтида қабул қилингани ва бу долзарб масала тартибга солинганлиги алоҳида таъкидланди.

Шуни айтиш керакки, бундай қонун бошқа мамлакатларнинг қонунчилик тажрибасида мавжуд эмас. Яъни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектлар ва уларнинг қонун ташаббускорлигининг тартиб-тамойиллари алоҳида қонунда мустаҳкамланмаган.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини ўрганиш ва қонунчилик ижодкорлиги жараёнида биз ҳали жуда кўп изланишлар олиб боришимиз лозим. Бизнингча, ишлаб чиқилаётган ва Қонунчилик палатасининг муҳокамасига киритилаётган лойиҳаларнинг сифатини оширишга доир масалалар илмий ва назарий жиҳатдан етарлича ечим топмаган.

Парламент жамият эҳтиёжларини қанчалик нозик илғаб, уларни қонунлар мазмунига моҳирона сингдира олса, қонунларнинг сифати, самараси ва нуфузи шунчалик юқори бўлади.

Бунинг учун қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлар фаоллигини янада ошириш лозим.

Собиржон ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари.

Иқтисодий билимдаги интеграциялашув

Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги Чилонзор академик лицейида «Узлуксиз иқтисодий таълимда интеграцион алоқаларни ривожлантириш: муаммо ва ечимлар» мавзусида семинар-учрашув бўлиб ўтди. Тадбирни университет ректори, академик С. Ғуломов кириш сўзи билан очиб, кун тартибидаги мавзу юзасидан мазкур олий ўқув юртининг таниқли олимлари, коллеж ва лицей раҳбарларига навбат берди. Нотиқлар кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида интеграцион алоқаларнинг жорий этилиши, педагогик технологиялар асосида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш борасида орттирилган тажрибалар, электрон ўқув адабиётларидан ўқув жараёнида фойдаланиш тамойиллари ва бошқа долзарб масалалар юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини баён этишди.

Назарий билимлар ва амалиёт ўртасидаги интеграциялашув замон талаблари асосида амалга оширилганда қандай натижаларга эришиш мумкинлиги тўғрисида жонли фикр алмашув тадбир қатнашчилари эътиборини ўзига жалб қилди.

Нутфулла ХЎЖАЕВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.

Каттаю кичик шаҳарлар таърифу тавсифини оширувчи кўплаб омиллар мавжуд. Ана шулардан бири — жамоат транспорти. Зеро, равон кўчалардан ғизиллаб қатнаётган, ташқи кўриниши жиҳатидан кўримли транспорт воситалари, уларнинг шинам ва озода салонлари, ҳайдовчиларнинг хушмуомаласи, саришта бекатлар шаҳар довруғини оширишга хизмат қилиши лозим. Хўш, бу борада Тошкент шаҳрида аҳвол қандай? Йўловчиларга хизмат кўрсатиш савияси талаб даражасидами? Истеъмолчи маданияти хусусида нималар дея оламиз?

ЙЎЛОВЧИ, АВТОБУС, БЕКАТ

атрофидаги муаммо ва ҳангомалар

Халқимизда "Минг бор эшитгандан, бир марта кўрган афзал" деган нақл бор. Биз ана шу ақидага суяниб, шаҳар кездик.

Пойтахтимизнинг "Қўйлиқ-2" шоҳбекатидамиз. Бу ердан шаҳарнинг деярли барча мавзеларини бир-бири билан боғловчи турли транспорт воситалари ҳаракатланади. Фақат 1- автосаройга қарашли автобуслар 10 та йўналиш бўйича шу ердан йўлга чиқади. Бундан ташқари, юридик мақомга эга ҳайдовчилар ҳам 20 га яқин йўналишда аҳолига хизмати кўрсатаяпти.

Шоҳбекатда автобусдан тушиб, атрофга аланглаб турган отахондан: "Қалай, қийналмай келдингизми?" дея ҳол-аҳвол сўрагандик, у киши:

— Эй болам, қарилик қурсин, "Толарик"да тушишим керак эди, — деди. — Чиптачига бу ҳақда айтиб ҳам қўйгандим, эсидан чиқибди чоғи, 3-4 бекат ўтиб кетибман. Метродаги сингари бекатларни олдиндан микрофон орқали эълон қилиб боришса, довдираб юрмасмидик...

Очиғи, отахон ҳақ. Ер усти жамоат транспортлари фаолиятини кузатиб, бирон-бир йўналишда бекатларни эълон қилаётган ҳайдовчини учратмадик.

Шу ўринда яна бир гап. Транспорт воситаси маълум даражада тарбия ўчоғи вазифасини ҳам ўташи керак. Афсуски, кексалар ва ёш болали кишиларга ҳамма ҳам жой бўшатавермайди. Бу қусурни бартараф этиш учун жамоатчилик таъсири керак. Бундан ташқари, кузатувларимиз давомида бирон-бир автобус ёки троллейбусда таълим-тарбияга оид ҳикматли сўзларни учратмадик. Ҳамма ёқда реклама. Устига-устак ёш-яланглар учун транспорт воситаларида писта чақиш, бир-бири билан ёки уяли телефонда бақириб-чақириб гапириш оддий ҳол. Бир нарса деб кўрингчи, нақ балога қоласиз-а.

Шу вақт бекатга 130- автобус келиб тўхтади. Унинг ҳайдовчиси Медет Тўлеганов шундай фикр билдирди:

— Аввало, шоҳбекатга бурилиш жойида енгил машиналарни қўйишгани бир қийинчилик туғдирса, эрталабки сут-қатиқ бозори баттар қийнайди. Бунинг устига, айрим ҳайдовчилар тап тортмасдан шоҳбекатнинг хоҳлаган ерига машинасини қолдириб кетаверади. Бунақада, худо кўрсатмасин, машинасининг бирор ерини автобус туртиб кетиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор туфайли пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларига юзлаб замонавий автобуслар хизмат кўрсата бошлади. Бекатлар, йўллар ўзгача қиёфа касб этмоқда. Бироқ биз улардан мақбул тарзда фойдаланаяпмизми? Афсуски, бу борада ҳам талай камчиликлар мавжуд. Мисол учун, автобус ўриндиқларини кесиш, қўпориш, расм чизиш, ҳатто муҳаббатини битиш одатий ҳолга айланган. Қизиқ, шу қиликлар кимларнингдир кўз ўнгида бажариладими?!.

Бир танишимнинг тамаки тутунидан аллергияси бор. Шу боис чекувчиларга унинг сираям тоқати йўқ. Автобус ёки такси ҳайдовчиси чекса борми, хуноби ошади. Аслида жамоат транспортида чекиш ўта маданиятсизлик.

Энди айрим бекатлар аҳволи хусусида тўхталадиган бўлсак, уларни бекат эмас, эълонлар тахтаси ёки хусусий дўкон эгасининг машинаси турадиган жой, десак, тўғрироқ бўларди. Уй сотадиган ҳам, итини йўқотган ҳам эълонини ҳеч иккиланмасдан ўша бекат девори ё устунларига ёпиштириб кетаверади. Шаҳар ҳусни бузилаётгани билан эса, унинг заррача иши йўқ.

Пойтахтимиздаги "Марказий универсал магазини" шоҳбекати 1-, 37-, 85- ва 22- йўналишлардаги автобусларга хизмат кўрсатади. Бу бекат юқорида қайд этилган қусурлардан нисбатан холи. Бироқ баъзи ҳолларда шоввоз шахсий машина эгалари тақиқланган белги бўлишига қарамасдан, бекатнинг ўзида машиналарини қолдиришни одат қилишганига нима дейсиз? Ҳолбуки, сал нарида автомобиллар учун тўхташ жойи мавжуд.

— Ҳақиқатан ҳам, бу ҳолат автобусларнинг эркин ҳаракатланишига салбий таъсир кўрсатмоқда, — дейди мазкур шоҳбекат нозимхонаси ходими Ирина Цой. — Гоҳида автобус ҳайдовчилари йўлдан ўтолмай, ноилож 10-15 дақиқагача тўхтаб қолишмоқда. Бу ҳақда Йўл-патрул хизматига қўнғироқ қиламиз, албатта. Аммо, уларнинг вакиллари "ана-мана" деб етиб келгуларича, ҳайдовчию йўловчилар сарсон бўлишмоқда.

Кўриниб турибдики, пойтахт жамоат транспортида ижобий ўзгаришлар қаторида ҳали талай муаммолар ҳам бор. Уларни бартараф этиш, биринчи навбатда, "Тошшаҳартрансхизмат" уюшмаси ва бошқа мутасадди ташкилотлар зиммасида бўлса, иккинчи томондан, йўловчилар ҳам бу борада фаоллик кўрсатиши зарур.

Саидолим ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ:

ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу масалалар кўргазма доирасида ўтказилган «Олий таълим соҳасида Россия-Ўзбекистон ҳамкорлиги: бугун ва эртага» мавзуидаги давра суҳбати қатнашчилари томонидан атрофлича муҳокама қилинди. Хусусан, икки мамлакат олий ўқув юртлари ўртасида талабалар ва ўқитувчиларнинг малака оширишини кенгайтириш, ҳамкорликдаги илмий-тадқиқотлар ва ўзаро тажриба алмашишга ёрдам берадиган тўғридан-тўғри шартномалар тузиш бўйича аниқ таклифлар билдирилди. Бундан кўзланган мақсад мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ўқув режалари ва дастурларини такомиллаштиришдан иборат.

Кўргазма доирасида россиялик меҳмонлар пойтахтимиздаги йирик олий ўқув юртлари фаолияти билан танишади. Жумладан, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари, Тошкент давлат техника ва Тошкент давлат иқтисодиёт университетлари профессор-ўқитувчилари билан учрашади. Ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар имзоланиши режалаштирилмоқда.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, олий ва ўрта махсус таълим вазири Р.Қосимов иштирок этди.

А.ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

Илғор усул қўл келмоқда

Норин туманида уруғчиликка ихтисослашган "Олтин водий" фермер хўжалиги бор. Унга тажрибали деҳқон Сатторжон Жакбаров етакчилик қилади. Мазкур хўжалик тасарруфида 61 гектар ер бўлиб, унинг 41 гектарига чигит қадалса, қолган қисмида ғалла етиштирилади. Фермер хўжалигининг бошқаларидан фарқи шундаки, "Олтин водий" ўз биолабораторияси ва кичик МТПсига эга. Ҳар иккиси ҳам хўжаликка ёндош бир неча фермерларга шартнома асосида хизмат кўрсатади.

СУРАТДА: Сатторжон Жакбаров ва биолаборант Манзурахон Жакбарова.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Қонун барчага баробар

Ойни этак билан ёпиб бўлмайди

Белгиланган қонунларга биноан, турли шаклдаги хўжалик юритувчи субъектлар солиқ ва бошқа тўловларни ўз вақтида, тўлиқ тўлашлари керак. Аммо амалдаги қоидаларни четлаб ўтишга, солиқларни тўлашдан бўйин товлашга уринадиган жисмоний ва юридик шахслар ҳамон учраб турибди. Мисол учун, «Жаҳонгир» кўп тармоқли хусусий фирмаси фаолиятини олиб кўрайлик. Бу жамоа раҳбарлари 2004-2005 йиллар давомида давлат бюджетига тўланиши зарур бўлган 2544000 сўмни қасддан яширганлигини қандай баҳолаш мумкин? «Кўза кунда эмас, кунида синади» деганларидек, 2005 йил 30 март куни ушбу фирманинг солиқ интизомини бузиш ҳолатлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 184-моддаси 3-банди ва 189-моддаси 2-бандига биноан, жиноят иши қўзғатилди. Пировардида Қангликўл тумани жиноят ишлари бўйича судининг 2005 йил 28 июндаги ҳукми билан фирма раҳбари А. Б. га нисбатан 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш чораси қўлланилиб, ойлик маошидан 20 фоизи давлат фойдасига ундирилди ва 235050 сўм жарима ҳам солинди.

Афсуски, хўжалик юритувчи субъектлар орасида солиқ тўлашга келганда, бундай «хотираси сустлашадиган»лар оз эмас. Чунончи, тадбиркор Бахт Қурбонбоев ва унинг ҳамкасблари ўзлари яхши ният билан таъсис этган масъулияти чекланган жамиятга жимжимадор қилиб «РМ и СП» деб ном беришган. Текширув чоғида улар 2004 йил давомида қўшимча қиймат солиғисиз 11231800 сўм даромад топишгани, аслида 42799900 сўмлик иш бажаришгани, бошқача айтганда, қўшимча қиймат солиғисиз 37 миллион сўм даромад олганлиги аниқланди. Сабаби — нафси ҳакалак отган олғирлар ўша йилнинг 23 апрели, 19 августи, 8 ноябри ва 18 декабрида катта миқдорда қурилиш ашёлари сотгани ҳолда, улардан тушган даромадларни яширганлар. Натижада давлат бюджетига тўланиши керак бўлган 1782600 сўм атайин сир тутилган. 2005 йилнинг биринчи ва иккинчи чораклари эса бу рақам 1811800 сўмга етган. Айни шу ҳолат юзасидан 2005 йил 14 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 184-моддасига биноан, жиноят иши қўзғатилган эди. Қангликўл тумани жиноят ишлари бўйича судининг 2005 йил 29 ноябрдаги ҳукмига кўра, «солиқни хуш кўрмайдиган»ларга 391750 сўм жарима солинди.

Қарангки, «Қовун қовундан ранг олади» деганларида ҳам жон бор экан. «РМ и ПС» билан бир жойда фаолият кўрсатадиган «Чер-Мол-Кач» масъулияти чекланган жамияти аҳли ҳам давлат бюджетига тўланиши керак бўлган 3931200 сўм миқдоридаги солиқ ва мажбурий тўловларни қасддан яширганлиги маълум бўлди. Бу ҳолат бўйича ҳам жиноят иши қўзғатилди.

Мамлакатимизда тадбиркорлик ва ишбилармонликка кенг йўл очилаётгани ҳақиқат. Бу соҳада шуғулланаётганларга қанчаданқанча имтиёзлар ҳам жорий этилган. Шундай экан, тадбиркормисан, қандингни ур, ошиғинг олчи бўлсин! Фақат белгиланган солиқни вақтида тўлаб туришни унутма. «Қонун барчага баробар» деган қоида ҳамиша ёдимизда бўлсин!

Султонбой ҚУРБОНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи.

Ветеринария:

МУШТАРАК МУАММОЛАР МУҲОКАМАСИ

Кеча пойтахтимизда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг ветеринария соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳукуматлараро кенгашининг 29- мажлиси иш бошлади. Икки кун давом этадиган ушбу тадбирни Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ташкил этган бўлиб, унда Арманистон, Озарбойжон, Беларусь, Украина, Молдова, Россия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон давлатларининг ветеринария хизматлари бошлиқлари, Халқаро Эпизоотик Бюронинг минтақавий комиссияси раҳбарлари иштирок этишяпти.

Мажлисни қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари А. Жўраев кириш сўзи билан очди.

Иқтисодиётда чорвачилик алоҳида ўринга эга. Қишлоқ аҳолисининг кўпчилик қисмида чорва молларини парвариш қилиш борасида етарли тажриба мавжуд. Айни пайтда 90 фоиздан ортиқ қорамоллар шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида боқилмоқда. Статистика маълумотларига кўра, қишлоқ хўжалик маҳсулотларида чорвачиликнинг улуши 43 фоизни ташкил қилиб, даромаднинг 25 фоизи ушбу соҳадан олинади.

Халқаро анжуман

Кейинги пайтда Президентимиз, ҳукуматимиз томонидан мазкур йўналишда бир қатор ўта муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Яқинда матбуотда эълон қилинган давлатимиз раҳбарининг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарор ҳам фикримизнинг далилидир.

Мазкур халқаро мажлисни ўтказишдан мақсад унда қатнашаётган давлатларнинг ўз имкониятлари доирасида профилактика ишларини олиб бориш, аҳоли саломатлиги ва қишлоқ хўжалиги соҳасига жиддий зиён етказиши мумкин бўлган чорва молларидаги юқумли касалликларни бартараф этишдир. Ҳамкорликда иш юритилганда ветеринария мутахассислари биргаликда моллардаги ўта хавфли касалликларни йўқотиш бўйича дастурларини, тайёрлайди. Табиийки, бундай кенг қамровли ишлар озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт, импорт қилишда ва транзит орқали жўнатишда ветеринария хизматининг ишини енгиллаштиради.

Мажлиснинг иккинчи куни тадбир иштирокчилари республикамизда ветеринария соҳасида йўлга қўйилган ишлар билан бевосита танишадилар.

Ҳосил КАРИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Мўъжизанинг сири

Кимёвий мўъжизалар ҳамиша бизни ҳайратлантириб келган. Зеро, кимё — ҳаёт, унинг мўъжизалари ҳаётимиз, кундалик турмушимиз сир-синоатларидан иборатдир. Шу туфайли бу сир-асрорлар ўқувчини ҳам, талабани ҳам — барчани қизиқтириб келган, унинг асл моҳиятига етишга, ҳаёт ҳақиқатларини англашга ҳаракат қилинган.

Профессорлар А. Аловиддинов ва Т. Дўстмуродовларнинг «Академия» нашриётида лотин алифбосида чоп этилган «Қизиқарли кимё» асаридан ана шундай саволларга жавоб топиш мумкин. Аслида бу китоб кимё ихтисослиги бўйича бакалавриат, қоларверса, магистрант талабаларга мўлжалланган. Ундан ўрта умумтаълим ва ўрта махсус мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари ҳам фойдаланиши мумкин. Шунинг учун у олий ўқув юртлараро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан олий ўқув юртлари талабалари, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган. Унда элементлар ва муҳим кимёвий бирикмаларга оид жуда кўп маълумотлар берилган. Кимёвий кечалар ўтказишда қўлланиладиган инсценировкалар ҳам келтирилган. Бундай тадбирлар эса ўқувчи ва талабаларнинг нутқини яхшилашга ва билимини оширишга имкон беради. Шунингдек, унда ўқувчи ва талабаларнинг мустақил ишлашларига ёрдам берадиган викторина ва кимёвий топшириқлар саволлари, чайнворд ва кроссвордлар ҳам келтирилган.

Ушбу китоб яқинда крилл алифбосида ҳам чоп этилиши мўлжалланмоқда. Бу китобни, албатта, ўқинг. Шунда сизга мўъжиза туюлган сир-синоатлар оддий ҳаёт ҳақиқатлари эканлигига амин бўласиз.

Д. ҚАМАРИТДИНОВА,
ЎзДЖТУ талабаси.

МИЖОЗЛАР МАНФААТИ — БАНК МАНФААТИ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон банк тизимидаги ўзгаришларнинг муҳим стратегик йўналишларидан бири ушбу соҳага хусусий капиталнинг кириб келиши бўлди. Бу жараён Президентимизнинг «Хусусий тижорат банкларини ташкил қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилингач, айниқса, янада фаоллашди, кўплаб хусусий тижорат банклари ташкил этилди. «Алп Жамол банк» хусусий очиқ акциядорлик тижорат банки — шулардан бири. У 1998 йилнинг 16 мартидан ўз фаолиятини юритиб келмоқда.

Банкнинг изчил ва тўхтовсиз ривожланиб бориши — макроиқтисодий барқарорлик гарови. «Алп Жамол банк» жамоаси ҳам мамлакатимиз иқтисодий қудратини ошириш мақсадида унинг реалтармоқларига молиявий ресурсларини йўналтириб, ўзининг молиявий ҳолатини йилдан-йилга мустаҳкамлаб бормоқда. Унинг фаолият қирралари кенгайиб, мижозларга янги, улар учун қулай хизмат турлари таклиф этилмоқда. Муҳими, бугунги кунда мазкур банкда бутун тизимда амалга оширилаётган барча амалиётлар ҳам, жаҳон банк тажрибасида қўлланилган барча банк хизмат турлари ҳам бажарилмоқда.

Зеро, ХОАТБ «Алп Жамол банк»нинг ривожлантириш дастурига киритилган асосий стратегик мақсадлардан бири унинг фаолияти доирасини кенгайтириш ва таклиф этилаётган банк хизматларини мижозларга қулай тарзда, юқори сифат билан етказишдан иборат. Шу мақсад, банк таркибида 3 та филиал (Тошкент ва Қарши шаҳарларидаги филиаллар ҳамда амалиёт бошқармаси), бу филиаллар қошидаги 8 та мини банк, шу жумладан, пойтахтдаги «Чилонзор», «Россия», «Қатортол», «Олмазор», «Мадамин» мини банклари, Қашқадарё вилоятидаги «Косон» ва «Шаҳрисабз» мини банклари ташкил этилган.

Амалиёт бошқармаси томонидан Чирчиқ шаҳрида ҳам битта мини банк тузилган.

Бундан ташқари, ХОАТБ «Алп Жамол банк» томонидан очилган 12 та валюта алмаштириш шохобчаси, 15 та махсус касса ҳам мижозлар ва аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда. Банкнинг омонат турлари бўйича маблағлар ана шу мини банклар орқали қабул қилиниб, ҳатто аҳолига истеъмол кредити берилмоқда.

Жорий йилнинг апрель ойида Тошкент шаҳрининг «Абу Саҳий» улгуржи савдо мажмуаси ва Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида банкнинг яна иккита мини банкида қурилиш-таъмирлаш ва ташкилий ишлар ниҳоясига етказилмоқда.

Пойтахт аҳолиси ва меҳмонлари учун эса «Анелик», «Money gram» ҳамда «Быстрая почта» халқаро пул ўтказиш тизими ишлаб турибди. Тошкент шаҳар филиалининг 5 та мини банки ва 2 та пул ўтказиш шохобчаси ҳамда банк қошида, амалиёт бошқармаси битта мини банки ва шунча пул ўтказиш шохобчасида, шунингдек, Қарши шаҳар филиалидаги халқаро пул ўтказиш тизими шулар жумласидандир. Шу билан бирга, «UNI STREAM» халқаро пул ўтказиш тизими бўйича амалиётлар ўтказиш юзасидан Россиянинг «Импекс банк»и билан шартнома имзоланди. Тез кунларда ушбу йўналишда амалиётлар йўлга қўйилиб, аҳолига таклиф этилади.

«Алп Жамол банк» ХОАТБ — «VISA INTERNATIONAL» халқаро тўлов тизимининг ҳам аъзоси. 2005 йилдан бошлаб банк логотипи тамғаланган «VISA — CLASSIC» пластик карточкаларининг эмиссияси бошланган бўлса, 2006 йилдан эътиборан эса «VISA — GOLD» пластик карточкалари амалиётга чиқарилди. Ушбу карточка эгаларига маълум миқдорда хорижий валютада кредит линиясини очиш ҳуқуқи берилади. Бунинг учун «VISA — GOLD» карточка эгалари банкка адекват тарзда таъминот (кўчмас мулк, автотранспорт, депозит маблағлари ва бошқалар)ни тақдим этишлари зарур. Банкнинг ҳисоб-китоб балансини аудит текшириш мақсадида эса жорий йилда чет эл аудит компанияси — «Делой Туш» билан ҳам шартнома тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 августдаги «Банклардаги депозит ҳисобваракларидан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги 147-сонли Қарори талабларига биноан, «Алп Жамол банк» хусусий очиқ акциядорлик тижорат банкида нақд пул маблағларининг чекловсиз ҳамда узлуксиз берилиши бўйича мижозларнинг мурожаат ва шикоятларини кўриб чиқиш, улар юзасидан зудлик билан чоралар кўриш учун нақд пул маблағлари берилиши мониторинги бўйича махсус ташкилий тузилма вужудга келтирилди. Нақд пул маблағларининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан эса барча банк бўлинмаларида «ишонч телефонлари» ўрнатилди.

Банк аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг депозит ҳисобваракларидан нақд пулларнинг узлуксиз берилишига оид талабларнинг бажарилишини таъминлаш борасида, шунингдек, бўлинмаларда ўрнатилган нақд пул заҳиралари ҳажмининг энг кам миқдори белгиланган. Бу, ўз навбатида, мижозларнинг биринчи талаби билан нақд пулни ўз вақтида берилиши таъминланади, демакдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 ноябрдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 504-сонли ва 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 88-сонли қарорлари ижросини таъминлаш учун эса, банк бўлинмаларида ҳисоб рақамига эга корхона ва ташкилотлар ойлик маошлари биринчи даражали тўлов ҳисобида эътиборга олиниб, 2005 йил ва 2006 йилнинг 1-чорагида мижоз томонидан ўрнатилган ойлик тақвими саналарида берилмаган ҳолат кузатилмади.

Ана шу ҳужжатлар талаблари тўлақонли бажарилиши учун банк томонидан савдо ташкилотларининг кунлик тушумлари ўз вақтида ва тўлиқ топширилиши, нақд пул беришнинг белгиланган тартибига риоя этилиши, ҳисоб рақамларига маблағларни ўтказиш ва кўчириш бўйича тўлов ҳужжатларининг кунма-кун ўз вақтида бажарилиши устидан белгиланган тартибда назорат амалга оширилмоқда.

Банкда аҳоли жамғармалари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк омонатларига, айниқса, муддатли депозитларга жалб этиш ҳам кенг йўлга қўйилган. Қонун ҳужжатларига мувофиқ, аҳоли депозитларидан ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобваракларидан нақд пуллар ҳеч қандай қаршиликсиз ва мижознинг биринчи талаби билан бериб борилмоқда. Нақд пул маблағларини банкка жалб қилиш учун Республикамиз корхоналарида ишлаб чиқарилган товарларни, автомашиналарни сотиб олишга эса аҳолига истеъмол кредити ажратилмоқда. Жалб қилинган нақд пул маблағлари пировардида меҳнат ҳақи, ижтимоий тўловлар, аҳоли омонатларининг қайтарилиши ва пенсия бўйича ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаётир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «Алп Жамол банк» ХОАТБ республикада банкдан ташқари пул айланмасини қисқартириш бўйича қабул қилинган ҳужжатларга амал қилиниши устидан назоратни кучайтириш ва нақд пул муомаласи ҳолати юзасидан жавобгарликни ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 22 ноябрдаги «Банкдан ташқари айланмани қисқартириш масалалари бўйича қабул қилинган ҳужжатларга амал қилиниши устидан жавобгарликни ошириш тўғрисида»ги ПҚ-225-сонли қарорида таъкидлаб ўтилган барча муаммоларни ўрганиб чиққан ҳолда ўз амалиётларини олиб бормоқда.

Жорий йил давомида ҳам банк жамоаси бутун куч-ғайратини ўз фаолиятининг барча йўналишларида барқарор ривожланиш суръатларини таъминлаш, банк фаолияти доираси ва ҳажмини кенгайтириш, хатарларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, илғор банк технологияларини ходимлар малакаси ва тажрибасини ошириш, халқаро стандартлар бўйича ҳисобни такомиллаштиришга қаратиб, Ўзбекистон Республикаси банк ҳамжамиятига дадил кириб бориш ва юқори ўрин эгаллашга интилаверади.

Негаки, ҳаётдаги шиддатли ўзгаришлар жараёни банк олдига улкан вазифаларни қўймоқда. Уларни бажариш эса ҳар бир банк ходимидан фидокорона меҳнат қилиш, рўй бераётган ўзгаришларга чуқур масъулият ҳисси билан ёндашиш, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга ўзининг муносиб улушини қўшиш ҳамда жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш жараёнларини қўллаб-қувватлашни талаб этади. t

MTS GSM

UZDUNROBITA first cellular

«УЗДУНРОБИТА» КОМПАНИЯСИДАН
БАҲОРГИ ТАКЛИФ!

SUPER
ТАРИФ РЕЖАСИ

Ўзбекистон бўйича алоқа
$0.04 (1 дақиқа учун)

Тармоқ ичида чиқувчи алоқа
$0.02 (1 дақиқа учун)

Абонент тўлови
$0.07 (кунига)

Тармоқ ичида кирувчи алоқа
БЕПУЛ

NEW! «Уздунробита» компанияси абонентлари учун халқаро роуминг хизмати Оманда (Oman Mobile) ва Хитойда (China Mobile) ишга тушди.

NEW! «Уздунробита» компанияси абонентлари учун халқаро GPRS-роуминг хизмати Филиппинда (Globe Telecom) ишга тушди.

NEW! Энди Уздунробита GSM тармоғига Тошкент шаҳрида А.Темур кўч., 24 манзилдаги (Dedeman меҳмонхонаси рўпарасидаги) сотув ва хизмат кўрсатиш кичик офисида ҳам уланса бўлади.

Тўловлар сўмда ЎзР МБнинг тўлов кунидаги курси бўйича амалга оширилади.
www.uzdunrobita.uz / wap.uzdunrobita.uz

Нархларга барча солиқлар киритилган.
Хизматлар лицензияланган

HYUNDAI

DONGNAMUZ-MOTORS
OFFICIAL DISTRIBUTOR OF
HYUNDAI MOTOR COMPANY

DONGNAMUZ DM MOTORS

Address: 8, Afrosiab str., Tashkent
Tel.: (998-71) 152-26-07(08), Fax: (998-71) 152-17-25
E-mail: hdnuz@yahoo.com www.uzbekistan.hyundai-motor.com

Sonata NF
Elantra
Coupe
Santa Fe
Tucson
Terracan
Matrix
H-1 Starex
Grandeur XG

Қўшхабар

Олтмиш йилдан сўнг...

Яқинда пойтахт вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги "Янги ҳаёт" қўрғонида унутилмас воқеа юз берди. Шу қўрғонда яшовчи уруш ва меҳнат фахрийси Бурган Аширов бир йўла уч жанговар орден соҳибига айланди.

Гап шундаки, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бўлган Бурган Аширов урушнинг сўнгги йилларида жанговар хизматлари учун "Богдан Хмельницкий" ва икки бор "Қизил Юлдуз" ордени билан тақдирланган эди. Бироқ, бу ҳақда уруш йиллари ва ундан кейин ҳам Бурган оға хабар топмади.

Яқинда "Янги ҳаёт" қўрғонида хушхабар тарқалди: Бурган Ашировга орденлар топширилармиш. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. Орадан олтмиш йил ўтгач, орденлар ўз эгасининг кўксини безади. Жанговар мукофотларни топшириш тантаналарида Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фарид Мухамедшин ва Россия Қуролли кучлари армия генерали Александр Вошинин иштирок этдилар.

Эътироф

Тўлқин Ҳайитнинг номи адабиёт ихлосмандларига яхши таниш. У "Амир Темур ўгитлари", "Турон тунлари", "Вафо маликаси", "Мени кечир, болажон", "Шохи Зинда" сингари бир қатор тарихий-публицистик асарлар муаллифи. Шунингдек, ёзувчининг Амир Темур даврини акс эттирувчи бир қатор тарихий мақолалари ҳам ўқувчилар томонидан юқори баҳоланган. Яқинда Грециядан хушхабар келди. Унда айтилишича, Тўлқин Ҳайитнинг Амир Темур даври тарихига оид илмий-публицистик мақолалари, асарлари "Антик дунё" деб номланувчи халқаро илмий академия олимлари томонидан юқори баҳоланган. Айнан шу асарлари учун у Амир Темур фаолияти бўйича мазкур академиянинг фан доктори деб эътироф этилган.

М. ХОЛМАТОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ҳурматли юртдошлар!
Давлат акциядорлик тижорат «АСАКА» банки
Сизларга ПЛАСТИК КАРТОЧКА – замонавий банк хизматларидан фойдаланишни таклиф этади!

«АСАКА» БАНКИНИНГ ПЛАСТИК КАРТОЧКАСИ — БУ:

- Маҳсулот ва хизматлар учун тўлаш қулай бўлган самарали восита.
- Автокредитларга тез ва осон пул тўлаш.
- Ҳар ойда даромад тўлаш йиллик 16%.
- Карточка йўқолган ёки ўғирланган тақдирда Сиз пулингизни йўқотмайсиз.
- Харажатларингизни сарҳисоб қилиш жуда осон ва қулай.
- Барча турдаги карточкаларда суғурта қилиш кўзда тутилган.



БУНДАН ТАШҚАРИ, «АСАКА» БАНКИ МУДДАТЛИ ОМОНАТЛАРНИ МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Миллий валютадаги омонатлар

6 ойдан 1 йилгача	22% йиллик
1 йилдан 3 йилгача	22% йиллик
3 йилдан 5 йилгача	22% йиллик
"Юбилейный" (камида 6 ой)	22% йиллик
"Орзу" (камида 3 ой)	22% йиллик
"Наврўз" (2 ойга)	22% йиллик
"Табассум" (45 кунга)	22% йиллик
"Умид" (камида 3 ой)	22% йиллик
"Тақдим этувчига" (камида 3 ой)	22% йиллик

Хорижий валютадаги омонатлар

АҚШ доллар	
1 йилгача	
300 АҚШ долл. дан 1000 АҚШ долл. гача	5,5% йиллик
1000 АҚШ долл. дан 5000 АҚШ долл. гача	6,5% йиллик
5000 АҚШ долл. дан юқори	7% йиллик
ЕВРО	
1 йилгача	3% йиллик
1 йилдан юқори	
1000 ЕВРО дан 5000 ЕВРО гача	4% йиллик
5000 ЕВРО дан юқори	4,5% йиллик

Маълумот учун тел.: 120-83-77, 120-39-18, 144-56-55, 125-50-26

БАНКДАГИ БАРЧА ОМОНАТЛАРИНГИЗ ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ

Мустақиллик ва маънавият

БАҒРИКЕНГЛИК

Бағрикенглик — аср-асрлар мобайнида халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган кўп қадим қадрият. Шунинг учун аввал унинг «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси»даги талқинини билгинг келади. Унга кўра «бағрикенглик — ўзгаларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори, одатлари, ҳиссиётлари, фикр-мулоҳазалари, ғоялари ва эътиқодларига нисбатан тоқатли бўлиш».

Одатда бунга ўхшаш тушунчаларни ифодалаш учун ота-боболаримиз азалий атамаларни қўллаб қўя қолишни хуш кўришган. Масалан, ҳамият, самимият, адолат, садоқат, саховат, орият ва ҳоказо. Лекин бағрикенглик — соф туркий атама. Сўзма-сўз таҳлил этганда, у бағирнинг кенглигини англатади. Бағир қанча кенг бўлса, қучоққа шунча кўп нарса сиғади-да.

Туркий тилда ижод қилувчи шоирлар бағир сўзининг кенг имкониятларидан унумли фойдаланиб келади. Масалан, Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Ибройим Юсупов ўзбек-қорақалпоқ халқлари асрий-азалий дўстлигини айнан «бағирдошлик» деб атайди:

Ўзбекни — ўз оғим этган,
Улуғ бахтлар инъом этган,
Бир қозонда
ош дамлатган,
Бағирдошлик — о,
қардошлик!

Бағрикенглик — бизда ҳам шахсий, ҳам оилавий, ҳам жамоавий, ҳам миллий, ҳам умуминсоний ва ҳоказо фазилат.

Шахсийлиги шундаки, халқ инжиқ, тажанг, шошмашошар, ҳудбин, ўзидан бошқани ўйламайдиган, хасис, зиқна кишига нисбатан «тор одам» ифодасини қўллайди. Иложини топсак, бундай кимсага: «Сал кенгроқ бўлинг!» — деб қўямиз ҳам. Оғир-босиқ, ҳаётдан керакли хулосалар чиқариб олган донишманд одамнинг сал гапга жиғи-бийрони чиқаверадиган кишиларга нисбатан: «қўяверинг, юз йилдан кейин ҳаммаси теп-текис бўлиб кетади», — деб ҳазил аралаш танбеҳ берганини кўп кўрамиз.

Бағрикенгликнинг бир ҳосиласи — сабр. Навоий юз йил яшаш учун кишига юз йиллик сабр керак, деб ҳисоблайди:

Юз йил киши
умр тилар, бил, —
Ким сабр керакдур
анга юз йил.

Тасаввуфда бағрикенглик — суфий учун бош ҳаётий мезонлардан бири. Навоийнинг ёзишича, икки биродар кетишаётган экан. Бири иккинчисига: «Шу ерда кутиб тур, мен келаман», — деб бир ерга кириб кетибди. Лекин вазият шундай бўлибдики, тезда чиқолмай, эрталабгача қолиб кетибди. «Шеригим кута-кута кетворди», деб ўйлабди. Бунинг устига, кечаси билан қор ёғиб чиққан. Эрталаб қайтаётганида қараса, оғайниси ўша ваъда қилинган ерда турибди — бошига қордан салла «боғлаган». Энди дийдиёсини бошласа керак, деб ўйлаган эди. Йўқ! Бағрикенгликни қарангки: «Кут, келаман», — дединг. Вақтини аниқ айтмаган эдинг-ку. Кутдим — келдинг. Кетдик», — дебди бамайлихотирлик билан.

Биз: «ҳамма халқда ҳам оила оила-да», — деб ўйлаймиз. Ҳолбуки, дунёда оила билан оиланинг фарқи шунчалар кўпки...

Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси телевидениемиздаги суҳбатларидан бирида биздаги оилавий бағрикенгликнинг бошқа бир жиҳатини алоҳида таъкидлади: «Вертикал оилалар бизда ҳам бор, лекин сизларда горизонтал оилалар ҳам мавжудлиги — ноёб ҳодиса», — деди. Яъни фарзанд ва невараларининг оилалари билан бирга яшайдиган ота-оналар Ғарбда ҳам топилади. Бизда бир катта оилада баъзан ака-ука, амаки-жиян, тоға-жиян оилалари яшаётгани ҳам бағрикенгликнинг кўринишларидан бири ҳисобланади. Дунёдан ёш ўтиб қолган акасининг болаларини боқиб, оёққа қўйиб, ўқитаётган, уйли-жойли қилишни бўйнига олиб, савобга қолаётган укалар камми? Бу ҳамият ҳам ўзимизда кучли.

Бағрикенглик ҳар қандай жамоада ҳам керак. Кўпчилик ишлаётган ташкилотда, идорачилик тартиб-қоидаларидан ташқари, соф инсоний муносабатлар ҳам йўлга қўйилиши шарт. Бу раҳбардан ҳам, ходимдан ҳам баббаравар бағрикенглик талаб қилади.

Бир хонада ўтириб ишлайдиган олти кишининг олти хил феъл-атвори бўлади. Бўлаверсин. Бироқ ҳамма амал қиладиган биринчи қоида шуки, шу феъл-атворинг дастидан бошқалар жабр кўрмасин. Иккинчиси — хонадошинг феъл-атворининг сенга ёқмайроқ кўринадиган айрим жиҳатлари бўлса ҳам, уни борича қабул қилишга кўник, зинҳор-базинҳор уни ўз измимга соламан, деб овора бўлма.

Бағрикенглик — халқимизга хос хусусият.

Мана, яқинда бўлиб ўтган Наврўз шодиёналарини мулоҳаза қилайлик. Аввало, баҳорий тенгкунликни бутун мамлакат байрам қилди. Ҳамма яйради. Асосий тантана — пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Миллий боғида ташкил этилган байрам тадбирида минг-минг одам иштирок этди. Бутун мамлакат тўғридан-тўғри томоша қилди. Қанчадан-қанча мамлакатга сунъий йўлдош орқали узатиб турилди.

Халқ Президенти билан учрашди, Президент — халқи билан. Одамларнинг куй-қўшиқларга ҳамоҳанг тарзда рақсга тушиб кетганини қаранг. Барча вилоят ва туманимизда байрам шу рухда ўтди. Бу нимадан далолат беради? Одамларнинг қувончидан! Одамлар нимадан хурсанд? Юрт тинчлигидан, Ватан равнақ топаётганидан, турмуш аста-секин фаровон бўлиб бораётганидан, халқ бунёдкорлик билан машғуллигидан, унинг самараларини кўра бошлаганимиздан...

Муҳтарам Президентимиз байрам тантанаси тугаганидан кейин мухбирларга мусоҳабасида Наврўзнинг айнан бағрикенгликни тарғиб этадиган жиҳатига урғу бериб, жумладан: «Айтинглар, қачон халқимиз Наврўзда тайёрлайдиган тансиқ таомлари — ош, сумалак ёки ҳалимни бир ўзи ебди? Кўпчиликка улашади, халқ билан баҳам кўради», — дедилар.

Наврўз мамлакат ҳаётида қатъий қоидага айланган яна бир бағрикенгликни — миллатлараро тотувликни олий даражада намоён этиб турибди. Бу сана аллақачон Ўзбекистонимизда яшайдиган турли миллат ва элат вакилларининг бирдамлиги байрамига айланиб улгурган. Ҳамиша ёдда тутайликки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасида махсус қайд этилганидек, мамлакатимизда бир халқ яшайди, бу халқни эса турли миллат ва элат вакиллари бўлмиш барча фуқаролар ташкил этади.

Айнан бағрикенглик қатъияти шу азиз Ватан — барчамизники, ҳуқуқий демократик давлатда, этник фарқларидан қатъи назар, барча фуқаролар тенг ҳуқуқ ва эркинликларга, миллий анъаналарига содиқ қолишга, уни баҳузур равнақ топтиришга тўла ҳақли эканини таъминлайди.

Ўзбекистонимизда 7 тилда мактаб ишлаб турибди. 8 минг 671 ўзбек, 762 рус, 581 қозоқ, 376 қорақалпоқ, 318 тожик, 64 туркман ва 56 қирғиз мактабида фарзандларимиз таълим оляпти.

Шу ва бошқа тилларда адабиёт, хусусан, шеърият яратиляпти. Ҳаммасида Ватанга меҳр-муҳаббат туйғулари акс этади. Ватан эса ягона — Ўзбекистон!

Бағрикенгликнинг энг муҳим сиёсий кўринишларидан бири — диний бағрикенглик. Уни толерантлик ҳам деймиз.

Конституциямизнинг 18-, 29-моддалари бўйича, жумладан, диний эътиқодидан қатъи назар, барча фуқароларга тенг ҳуқуқ ва эркинликлар берилган. 31-модда эса виждон эркинлигини кафолатлайди.

Ўзбекистон — дунёвий давлат. Дин жамият учун муқаддас маънавий таянч. Шунинг учун ҳам «Миллий истиқлол ғояси: қабул қилинган ва тамойиллар» рисоласида диний бағрикенглик жамиятимизнинг асосий ғояларидан бири сифатида талқин этилган. Бугун Ўзбекистонимизда 17 диний конфессия Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган, яъни қонуний ҳолда фаолият олиб боряпти.

1995 йили ЮНЕСКОнинг Бош конференциясида «Толерантлик тамойиллари декларацияси» қабул қилинди. Унга жаҳоннинг 185 давлати, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳам қатъий амал қилинади.

Ғарб ва Шарқ демократияси таҳлилидан келиб чиқадиган бир хулоса бор: ғарбликларда индивидуалик, шарқликларда жамоавийлик кучли. Бирини деб иккинчисини инкор этишга шошилмаслик керак. Глобаллашув жараёнининг талаби шуки, ғарбга жамоавийликни юқтириш зарурати бўлгани каби, Шаркда, хусусан, бизда индивидуалликни тарбиялашга эҳтиёж жуда катта. Чунки, ҳатто, бағрикенглик ҳам ҳар бир шахснинг индивидуал фазилатига айланмас экан, кўзланган самарани бермаслиги мумкин.

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида тушуниб олишимиз керакки, ҳомийлик моҳиятини ҳам бағрикенглик фалсафаси ташкил этади. Ахир, эҳтиёжманд, кам таъминланган, ногирон кимсаларга, қўллаб-қувватлашга муҳтож ташкилотларга ҳомий бўлиш учун ҳам чинакам бағрикенглик керак.

Юртбошимиз қайта-қайта такрорлаб келаётганидек, биз маърифатли жамият қураётирмиз. Маърифатли жамият эса эзгу ғояларсиз яшай олмайди.

Бағрикенглик шундай ғоялардан бири сифатида жуда қадрли.

Султонмурод ОЛИМ,
адабиётшунос.

Спорт

Синхрон сузувчилар баҳси

Тошкентда синхрон сузиш бўйича Ўзбекистон чемпионати бошланди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси ва республика синхрон сузиш федерацияси ҳамкорлигида ўтказилаётган мазкур мусобақада 60 нафарга яқин спортчи иштирок этмоқда.

Чемпионат ўйинларининг биринчи куни икки йўналиш бўйича совриндорлар номи маълум бўлди. Жамоавий мусобақаларда тошкентлик Наталья Корнеева, Валентина Попова, Валерия Золотих, Анастасия Рўзметова, Динара Ибрагимова, Анастасия Здрайковский, Алина Капустина, Мария Романова, Евгения Розанова ва Гўзал Ахмедовалар шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олишди. Фарғона вилояти жамоасига иккинчи, Республика касаба уюшмалари спорт жамияти сузувчиларига учинчи ўрин насиб этди. Яккалик баҳсларда 20 нафар спортчи ўз омадини синаб кўрди. Унда пойтахтлик Валерия Золотих энг кўп балл жамғариб, мамлакат чемпиони бўлди. Фарғоналик Малика Абдукодирова кумуш, сирдарёлик Севилья Сайдаметова бронза медали билан тақдирланди.

Чемпионат ўйинлари давом этмоқда.

Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси Вьетнам пойтахти Ханойда ўтаётган футбол бўйича VTV T&T халқаро турнирининг иккинчи учрашувида мағлубиятга учради.

Иккинчи ўйин омадсиз якунланди

Ушбу ўйинда ҳамюртларимизга бразилиялик мураббий Рене Симоеш бошчилик қилаётган Эрон терма жамоаси рақиблик қилди. Учрашувда эронлик футболчилар 2:0 ҳисобида ғалаба қозонишди. Вакилларимиз сўнгги учрашувни кеча Австралия Олимпия терма жамоасига қарши ўтказди.

«Милан» ўз уйида енгилди

Футбол оламининг энг нуфузли мусобақаларидан саналган Европа чемпионлар лигаси ўзининг ҳал қилувчи палласига кирди.

Ўтган куни Италиядаги «Сан Сиро» стадионида «Милан» ва «Барселона» жамоалари дастлабки ярим финал учрашувларини бошлаб беришди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Италиянинг «Милан» жамоаси бир йилдан зиёд вақт мобайнида ўз майдонида мағлубиятга учрамаганди. Лекин Испания чемпиони — «Барселона» бугунги кунда бежиз дунёнинг энг кучли жамоаларидан бири, деб эътироф этилмаётганини исботлади. «Милан»нинг ўз уйидаги мағлубиятсиз одимига чек қўйилди. Жюли томонидан учрашувнинг 57-дақиқасида киритилган ягона тўп испанияликларга ғалаба келтирди. Эслатиб ўтамиз, жавоб ўйини 26 апрель куни Испаниянинг «Ноу Камп» стадионида бўлиб ўтади.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН
автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқарилган кенг ассортиментдаги
ШИНАЛАРНИ сотади:
ЯШЗ Волтайр УРАЛШИНА
ЕНГИЛ МАШИНАЛАР УЧУН, ЕНГИЛ ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ОҒИР ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ УЧУН
Телефонлари: (99871) 137-10-61, 137-20-76, 137-20-84, 334-64-21.
ROSAVA АККУМУЛЯТОРЛАР WESTA
Россия, Курск шаҳри
Украина, Днепропетровск
Шиналар буюртма бўйича 30-35 кунда Украина ва Россиядан вагонларда келтирилади.
ТОВАРЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН. ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.
Улгуржи ва чакана савдо қилиш филиаллари манзиллари:
Наманган ш., «Дўстлик» шоҳкўчаси, 1-А уй. Тел.: (3692) 24-56-60.
Андижон ш., «Мирпўстин» к., 20-уй. Тел.: (3742) 24-04-88.
Данғара ш., «Тошкент» к., 74-уй. Тел.: (37357) 2-19-06.
Термиз ш., Ч.Сафаров к., 80-уй. Тел.: (37622) 2-45-85.

АКС САДО

Бу кўҳна манзил

ёхуд Косонсой тарихидан бир шингил

Фарғона водийсининг энг кўҳна манзилгоҳларидан бири Косонсойдир. Кўпдан бери унинг тарихи — ёши нечада эканлиги ҳақида олимлар орасида баҳс юради. Тарихчилар шаҳар "2000 ёшда" десалар, қадимшунослар археологик қазилмалар асосида қўлга киритган ашёларга суяниб, "Косонсой 2200 ёшда" деган хулосага келганлар. "Халқ сўзи" газетасида чоп этилган "Косонсой неча ёшда?" сарлавҳали мақола ушбу масала хусусидаги фикрларимни қоғозга туширишга ундади.

Косонсой Ватанимиз тамаддуни тарихида Бухоро, Самарқанд, Хива, Термиз, Тошкент каби шаҳарлар билан бир қаторда туради. Шаҳар тарихи ва маданияти ҳақида "Лубоб-ул-албоб", "Мўжам-ул-булдон", "Бобурнома", "Тарихий Рашидий", "Баҳрул асрор" сингари сарчашмаларда қимматли маълумотлар мавжуд. Бундан ташқари, ўтмишда Ўрта Осиёда туркий ва форсий тилларда яратилган аксарият тазкиралар, маноқибларда "Косоний" тахаллуслари ижодкорлар, машҳур машойихлар, алломалар ҳақида ҳам далиллар келтирилган. Косонсой тарихи, маданияти, X асрдан то бизнинг асримизгача бу заминдан етишиб чиққан адиблар фаолияти олимларимиз томонидан бирмунча ўрганилгани, кўплаб мақолалар эълон қилингани учун биз ортиқча тафсилотга берилмадик.

Шаҳар тарихини ўрганиш, унинг кўҳна қатламларини, Муғ қалъа ҳудудини қазиб аниқлаш билан шуғулланган В.В.Бартольд, А.Э.Бернштам, Ю.А.Заднепровскийлар бу ерда қадим замонларда юксак маданий ривожланиш бўлгани, ҳатто зарбхоналар мавжудлигини таъкидлаб, эрамизнинг IV-VII асрларида Косон Фарғона – Давон давлатининг пойтахти бўлган деган қатъий хулосага келишган. Лекин қадимшунослар ҳам, тарихчилар ҳам қалъанинг меъморий тузилиши ҳамда номланишига мутлақо эътибор беришмаган.

Маълумки, қадим туронзаминда зардуштийлик дини расман қабул қилингач, шаҳар марказларида мазкур дин талабларига тўла жавоб берадиган янги ўрдугоҳлар қуриш кенг тус олади. Хоразмлик Озорпод Мехроспандон томонидан тартиб берилган 9 жилддан иборат тарихий-фалсафий, адабий қимматга эга бўлган "Динкард" (IX аср)нинг 5-китобида ана шу ўрдугоҳларнинг мукаммал шарҳи ва таснифи берилган. Унга кўра ўрдугоҳ икки қисмдан – арк ва шаҳристондан иборат бўлган. Ички — арк қисмда подшоҳ (раис), сарой аёнлари, муҳофиза қўшинлари яшаган. У қалъанинг Шарқ томонида жойлашган. Ўрдугоҳнинг Шимол томонида "Оташгоҳ" (оловхона), "Оташкада" (ибодатхона), "Хослар" (феодал зодагонлар) яшайдиган шаҳристон жойлашган. Жанубий томонда эса қабристон жойлашган. Ўрдугоҳ "Муғ қалъа" — зардуштийлар маркази шаҳри деб юритилган. Тўрт жилддан иборат "Авесто" луғати" (2000 й); бир жилддан иборат "Шоҳнома"даги киши ва жой номлари луғати" (1999 й) сингари луғатларда "Муғ" сўзи — маздопарастлик динининг асосчиси Зардушт, зардуштий эса шу динга эътиқод қилувчи кишилар. "Муғ" зардуштнинг лақаби; "Қалъа" эса ўрдугоҳ, шаҳар деб изоҳланган.

Ю.А.Заднепровский тадқиқотларининг хулосасига қараганда, ўрдугоҳ, оташгоҳ, оташкада, шаҳристон Муғ қалъа меъморий ансамблини ташкил этган. Анъанага кўра, бу ердаги "Сад пир" қабристони ҳам қалъанинг этак томонида бунёд этилган. Зардуштийларда катта — марказий шаҳарлар қалъа деб, йўлдош, тобеъ шаҳарлар эса қалъача деб юритилган. Ана шу тарихий далилга суянадиган бўлсак, Муғ қалъадан ончалик узоқ бўлмаган ҳозир қўшни Қирғизистон ҳудудидаги "қалъача" эрамиздан олдинги даврларда Косонсойга тобе бўлган. Ҳозир ҳам айрим минтақаларда яшайдиган аҳоли шаҳарни қалъа деб юритадилар.

Хулоса қилиб айтганда, кўплаб тарихий манбаларга, хусусан, археологларимиз шаҳар ҳудудидаги манзилларни қазиш пайтида қўлга киритган ёдгорликларга ўрдугоҳнинг номланиши, маъмурий тузилишига қараб Косонсой камида 2500 ёшда деган хулосага келиш мумкин. "Муғ қалъа" усулида ўрдугоҳлар қуриш зардуштийларда эрамиздан олдинги XI асрнинг охирларидан бошланган.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ,
филология фанлари доктори,
профессор.

BELARUS
МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ
Ўзбекистон Республикасидаги расмий вакили орқали
МТЗ ТРАКТОРЛАРИ, МИНИ ТЕХНИКА
ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.
KAMMAZ ARSENAL
Тошкент ш., Братислава к., 11.
Тел.: 151-20-33, 151-20-90,
факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ
шахсий компьютерлар ва принтерларни импорт шартларида сотиб олиш бўйича етказиб берувчилар ўртасида танлов эълон қилади.
Тендерда иштирок этиш учун буюртмалар мазкур эълон чиққан кундан бошлаб 5 иш куни давомида қабул қилинади.
Буюртма шаклини қуйидаги манзилда олиш мумкин:
700084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 101-уй, Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки бош маъмурий биноси.
Телефонлар: 134-42-96, ички 22-38.
Мулоқот қилувчи шахс — Ҳамроқулова Гўзал Раҳматхўжаевна.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ
ўз маҳсулоти бўлган «МАЗ» русумли оғир юк автомобилларини, тиркагичларни, ярим тиркагичларни, автобусларни, махсус техникалар (автокранлар, автоэксковаторлар, автобетонқорғичлар...)ни ва уларнинг эҳтиёт қисмларини мижозларга етказиб бериш учун буюртмалар қабул қилади ва шартномалар тузади.
Барча автотехникалар учун кафолат берилади.
Лизингга ҳам!
Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.
Манзил: 700005, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «8 Март» кўчаси, 57-уй. Телефонлар: 191-64-06, 191-68-94.
E-mail: uzbekmaz@inbox.ru E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru
Товар сертификатланган.

Ўзбекистон Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда Тошкент шаҳар раислар кенгаши «Оникс» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси ва бош директори Тоҳир Ашуровга падари бузруквори
ТИЛОВҚУЛ отанинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари меҳнат фахрийси
Гулнора КЕРИМОВАнинг
вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекфильм» киностудияси жамоаси таниқли кино артисти
Маҳаматжон УЗОҚОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти жамоаси Саҳна ҳаракати, рақс, жисмоний тарбия кафедраси концертмейстери Насиба Қурбоновага волидаи муҳтарамаси
Ҳамида ая ИКРОМОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси Наманган контехника инспекцияси бошлиги Валижон Аҳмедовга рафиқаси
Гулчеҳра АҲМЕДОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 657. 28692 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — З. Ашурова.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.30 23456